O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“Samarqand iqtisodiyot ilmiy maktabi”

«XIZMATLAR SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH ORQALI HUDUDLARDA BARQAROR IQTISODIY O‘SISH VA AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI»

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi
MATERIALLARI

IV QISM

2025 yil 21-22 fevral kunlari

SAMARQAND – 2025

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

TAMBOV DAVLAT UNIVERSITETI

QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

«IPAK YO‘LI» TURIZM VA MADANIY MEROS XALQARO UNIVERSITETI

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI SAMARQAND FILIALI

«XIZMATLAR SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH ORQALI HUDUDLARDA BARQAROR IQTISODIY O‘SISH VA AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI» (IV QISM)

2025 йил 21-22 fevral kunlari

SAMARQAND – 2025

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА
ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»
САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

“ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ В РЕГИОНАХ ПУТЁМ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СЕКТОРА УСЛУГ” (ЧАСТЬ IV)

(21-22 февраль 2025 г.)

САМАРКАНД– 2025

Xizmatlar sohasini strategik rivojlantirish orqali hududlarda barqaror iqtisodiy o‘sish va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlari/Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (IV qism). 2025 йил 21-22 fevral kunlari. Samarqand, SamISI, 2025. – 290 bet.

Nashr uchun mas’ul:
M.Q.Pardayev – iqtisod fanlari doktori, professor

Tahririyat kengashi rahbari:
M.E.Po‘latov – iqtisod fanlari doktori, professor

Tahririyat kengashi a’zolari:
M.M.Muxammedov – iqtisod fanlari doktori, professor,
J.R.Zaynalov – iqtisod fanlari doktori, professor,
I.S.Tuxliev – iqtisod fanlari doktori, professor,
O.Murtazaev – iqtisod fanlari doktori, professor,
R.X.Ergashev – iqtisod fanlari doktori, professor,
V.I.Abdukarimov – iqtisod fanlari doktori, professor,
N.A.Ibragimov – iqtisod fanlari doktori, professor,
K.B.Urazov – iqtisod fanlari doktori, professor,
Q.J.Mirzaev – iqtisod fanlari doktori, professor,
A.Eshtaev – iqtisod fanlari doktori, professor,
S.N.Tashnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor,
A.N.Xoliqulov – iqtisod fanlari nomzodi, professor,
D.H.Xolmamatov– iqtisod fanlari nomzodi, dosent.
Sahifalovchi: Firdavs O‘roqov

An’anaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida xizmatlar sohasini strategik rivojlantirish orqali hududlarda barqaror iqtisodiy o‘sish va aholi farovonligini oshirish muammolari va ularning yechimlari, sohaning alohida tarmoqlari samaradorligini oshirish istiqbollariga oid masalalar yoritilgan. Unda barqaror iqtisodiy o‘sish va hududlarda xizmatlar sohasini jadal rivojlantirishning nazariy va metodologik muammolari va ularni hal qilishning strategik yo‘nalishlari, kambag‘allikni qisqartirish, aholi bandligi, farovonligi, yashash darajasi va sifatini oshirish masalalari, xalqaro va ichki turizmni rivojlantirish tendensiyalari va istiqbollari, marketing va menejment imkoniyatlarini takomillashtirish masalalari, investitsiyalarni jalb qilish va moliyaviy munosabatlarni takomillashtirish masalalari, hududlarda barqaror iqtisodiy o‘sish jarayonida buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit muammolarini bartaraf qilish masalalari, hududlarda barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashni takomillashtirish muammolarini hal qilishga qaratilgan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalarga boy maqola va tezislar o‘rin olgan. Oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurtlari professor-o‘qituvchilari, talabalari, magistrlar, tayanch doktorantlar, doktoranturada tahsil oluvchilar, mustaqil izlanuvchilar va soha mutaxassislariga mo‘ljallangan.

Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar mas’ul. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to‘g‘ri kelmasligi mumkin.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2025.

qamrovli nazariy va amaliy yondoshuvni ifodalaydi. Raqamli inventarizatsiya tizimi, ko‘p o‘lchovli baholash modellari va indeks tizimi yordamida har bir ma’muriy birlik inventoriesini to‘liq aniqlash, ularning madaniy va tabiiy jihatlarini hisobga olib umumiy salohiyatni belgilash imkoniyati yaratilmoqda. Ushbu yondoshuv orqali investitsiya ustuvorliklari aniqlanadi, infratuzilma modernizatsiyasi rejalashtiriladi va xizmatlar sifati oshiriladi.

Taklif etilgan strategiyalar davlat boshqaruvi, xususiy sektor va mahalliy jamoalarni yagona tizimga birlashtirib, turizm sohasining barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi. Bundan tashqari, ekologik monitoring va yashil turizm modellarini joriy etish orqali mamlakatning xalqaro turizm bozorida raqobatbardoshligini oshirish va investitsiyalarni jalb etish imkoniyati yaratiladi.

Kelgusida ushbu metodologiyaning empirik asoslari mustahkamlash, statistik tahlil va eksperimental loyihalar orqali qo‘shimcha tadqiqotlar o‘tkazilishi lozim. Shunday qilib, maqola O‘zbekiston turizmini strategik rejalashtirish, investitsiya qarorlarini qabul qilish va ijtimoiy-iqtisodiy farovonlikni oshirishda muhim ilmiy asos yaratib, mamlakat turizm salohiyatini kengaytirishga xizmat qiladi.

Ибрагимов Сардорбек Хусанович *– Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали “Яшил иқтисодиёт ва барқарор бизнес” кафедраси ассистенти*

ҲУДУДЛАРНИНГ ТУРИСТИК ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация:*Ушбу мақолада ҳудудлар туристик жозибадорлигини оширишда оммавий тадбирлар (фестиваллар, кўргазмалар, конференциялар, спорт мусобақалари) нинг аҳамияти ёритилган. Оммавий тадбирлар сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ҳудуд брендини шакллантириш ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, оммавий тадбирлардан фойдаланиш жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш механизмлари таҳлил қилинган. Мақолада шунингдек ташкилий-иқтисодий ёндашувлар, маркетинг стратегиялари ҳамда инновацион технологиялар орқали туризмни ҳар томонлама ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинади.*

Калит сўзлар: *туризм, оммавий тадбирлар, фестиваллар, кўргазмалар, иқтисодий самара, брендинг, инфратузилма, маркетинг, инновациялар, ҳудудий ривожланиш*

Аннотация: *В данной статье рассматривается роль массовых мероприятий (фестивали, выставки, конференции, спортивные соревнования) в повышении туристической привлекательности регионов. Подчёркивается их значение в увеличении туристического потока, формировании регионального бренда и стимулировании местной экономики. Также анализируются существующие проблемы и механизмы их преодоления при использовании подобных мероприятий. В статье обсуждаются организационно-экономические подходы, маркетинговые стратегии и инновационные технологии, способствующие всестороннему развитию туризма.*

Ключевые слова: *туризм, массовые мероприятия, фестивали, выставки, экономический эффект, брендинг, инфраструктура, маркетинг, инновации, региональное развитие*

Abstract:*This article examines the role of mass events (festivals, exhibitions, conferences, sporting competitions) in enhancing the tourism appeal of regions. It emphasizes their significance in increasing tourist inflow, strengthening regional branding, and supporting local*

economic growth. The study also analyzes the challenges involved in organizing such events and explores mechanisms to address them. Furthermore, it discusses organizational and economic approaches, marketing strategies, and innovative technologies that contribute to the comprehensive development of tourism.

Keywords: *tourism, mass events, festivals, exhibitions, economic impact, branding, infrastructure, marketing, innovation, regional development.*

Туризм замонавий дунёда мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқлардан бири бўлиб, у иқтисодиётни диверсификация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, маданий меросни сақлаш ҳамда мамлакатимиз имижини халқаро миқёсда юксалтиришда катта рол ўйнайди. Бугунги кунда туризм глобал миқёсда сервиз соҳаси орқали жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) формалашувида муҳим ҳисса қўшаётган ўта йирик тармоқлардан бири сифатида эътироф этилади. Туризм индустриясида мамлакатимиз Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда туб ислоҳотларни амалга ошириб, инвестиция муҳитини яхшилаш, соҳада инновацион ёндашувларни жорий этиш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш сингари йўналишларда сезиларли ютуқларга эришиб келмоқда.

Шу билан бирга, туризм бозорида рақобат муҳити кун сайин кучайиб бораётганлиги, сайёҳлар талабларининг ортиши ва уларни жалб этишда янги механизмлардан фойдаланиш зарурати соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани ҳамда ташкилий-иқтисодий ёндашувларни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Ана шундай янги ёндашувлардан бири – оммавий тадбирлар, фестиваллар, кўргазмалар, форумлар, анъанавий байрамлар ва бошқа шу каби маданий-маърифий, илмий ёки спорт йўналишидаги тўпланишлар ҳисобланади. Оммавий тадбирлар туризм оқимини кўпайтириш, шаҳар ва ҳудудлар брендини шакллантириш, махаллий иқтисодиётга кўмаклашиш, янги туристик маҳсулотлар яратиш учун кенг имкониятлар тақдим этади.

Туристик жозибадорлик тушунчаси муайян ҳудуд ёки мамлакатни сайёҳлар учун қизиқарли ва мақбул дестинация сифатида шакллантирувчи омиллар мажмуини англатади. Бунга маданий-тарихий ёдгорликлар, транспорт-логистика имкониятлари, арзон ва сифатли сервис, табиий гўзалликлар, сайёҳлик инфратузилмаси, иқлим шароити, бир сўз билан айтганда, сайёҳлик маҳсулотининг барча жиҳатлари киради[1]. Туристик жозибадорликни белгилайдиган асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

8. Маданий мерос ва тарихий ёдгорликлар. Бундай ёдгорликлар сайёҳлар учун ўзига хос кашфиёт бўлиб, жаҳон тамаддунида муайян ўрин тутади. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги тарихий обидалар туристик жозибадорликка ўлкан ҳисса қўшади.

9. Табиий гўзалликлар ва иқлим. Чимён, Чарвак каби дам олиш масканлари, кўплаб тоғ-табиат ҳудудлари нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам қизиқарли.

[1] Kotler P. (2014). Marketing for Hospitality and Tourism. 6th ed., Pearson.

10. Инфратузилма ва сервис сифати. Туризм миллий тармоғида меҳмонхона, транспорт, овқатланиш, кўнгилочар масканлар ва бошқа хизматлар мослашувчан бўлиши зарур.

11. Тинчлик ва хавфсизлик. Сайёҳлар, энг аввало, хавфсиз муҳитни излашади. Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик ва хавфсизлик туризм ривожининг муҳим омилидир.

12. Оммавий тадбирлар ва фестиваллар. Маданий-маърифий, илмий ёки спорт мақсадида уюшган тадбирлар туристлар оқимини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий тадбирлар, шу жумладан, фестиваллар, кўргазмалар, конференциялар, симпозиумлар, спорт мусобақалари туризм инқирозини бартараф этиш ёки уни жадал ривожлантиришда айни муддао бўлиши мумкин. Бундай тадбирлар ўз навбатида мамлакат брендини шакллантиради, реклама кампаниялари учун контент яратади, маҳаллий ҳамжамиятларнинг иқтисодий имкониятларини яхшилашга кўмаклашади.

Оммавий тадбирлар туризми (events tourism) соҳаси туризмнинг мураккаб, бироқ шу билан бирга тез ривожланаётган шохобчаси сифатида эътироф этилади[1]. Оммавий тадбирлар секторида асосан иккита асосий йўналиш мавжуд:

13. Маданий тадбирлар (фестиваллар, карнаваллар, анъанавий байрамлар, этнографик кўргазмалар).

14. Тижорат тадбирлари (конференциялар, форумлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари, бизнес саммитлар).

Иккала йўналиш ҳам маҳаллий иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатиши, хизмат кўрсатувчи корхоналар сонини кўпайтириши, норасмий сектор иш ўринларини яратиши билан бирга туристик оқимни оширади. Бу жараёнда оммавий тадбирларни маъсулият билан режалаштириш, рекламаларини ташкил этиш, қатнашчилар учун қулай шароит яратиш, логистикасини ҳал қилиш каби ташкилий масалалар муҳим аҳамият касб этади. Оммавий тадбирлар туризмининг иқтисодий афзалликлари қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- Туристик оқимлар кўпайиши ортидан меҳмонхона, транспорт, реклама, тикувчилик, халқ ҳунармандчилиги, овқатланиш соҳаларидаги хизматларга талаб ошиши.
- Ҳудудлар брендини шакллантириш. Масалан, “Шарқ тароналари” фестивали Самарқандни халқаро миқёсда танитишда муҳим роль ўйнайди.
- Инфратузилмаларни ривожлантиришга туртки беради (йўллар, меҳмонхона, сервис шохобчалари, ахборот технологиялари).

Сўнгги йилларда Ўзбекистон туризм соҳасида туб ўзгаришлар, хусусан, “Ҳалқаро зиёрат туризми” концепциясининг ишлаб чиқилиши,

[1] Getz D. (2008). Event tourism: Definition, evolution, and research. Tourism Management, 29(3), 403–428.

мамлакатимизда виза тартиботларининг соддалаштирилиши, аэропортлар ва трансфер хизматлари инфратузилмасининг яхшиланиши каби ислоҳотлар ортидан сайёҳлар оқими маротаба ошди. Бу жараёнда оммавий тадбирлар ҳам катта роль ўйнаяпти.

- Маданий фестиваллар: “Шарқ тароналари” (Самарқанд), “Бойсун бахори” (Сурхондарё), “Пахта байрами” (қатор вилоятларда), “Деҳа байрами” (Қашқадарё, Жиззах) каби тадбирлар ҳар йили минглаб маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этади.
- Спорт мусобақалари: Халқаро спорт турнирларини (масалан, жаҳон чемпионатлари, Осиё чемпионатлари) қабул қилиш учун республикада мунтазам равишда барпо этилаётган янги спорт ареналари мавжуд. Ушбу тадбирлар хорижда ҳам жуда кенг ёритилиши орқали мамлакат брендини юксалтиришга ҳисса қўшади.
- Тижорат кўргазмалар ва конференциялар: Республикада ҳар йили турли соҳа бўйича кўргазмалар бўлиб ўтади (ITExpo, AgroExpo, TextileExpo). Бундай тадбирлар орқали бизнес туризми (“MICE tourism”) ҳам ривожланиб бормоқда.

Оммавий тадбирлардан туризмни ривожлантиришда фойдаланишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

15. Маркетинг коммуникациялари сустлиги. Фестиваллар ёки кўргазмалар ҳақида ахборот тарғиботи баъзан фақат маҳаллий миқёсда қолиб кетади. Хорижий туроператорлар билан тизимли ҳамкорлик етарлича ривожланмаган.
16. Инфратузилма етишмовчилиги. Айрим вилоятларда меҳмонхона жойлари сони кам, логистика мураккаб, интернет сифатини яхшилаш зарур. Натижада йирик халқаро тадбирларни ўтказиш имконияти чекланаётган жойлар ҳам бор.
17. Хорижий инвестицияларни жалб этишда мавжуд қийинчиликлар. Оммавий тадбирлар инфраструктурасини яратиш учун катта сармоя зарур, бироқ ҳуқуқий тосиқлар, бюрократик жараёнлар, лойиҳаларнинг бизнес-жозибаси етарлича очиб берилмаганлиги бу жараённи секинлаштиради.
18. Мутахассислар тайёрлаш масаласи. Оммавий тадбирлар менежменти бўйича малака ошириш, хорижий тажриба алмашинувлари ҳамма ҳудудда бирдек ташкил этилмаган. Натижада тадбирлар ўтказилишида вақти-вақти билан камчиликлар кузатилади (техник жиҳатдан тайёр эмаслик, логистикада носамарадорлик ва ҳ.к.).
19. Меҳмонларнинг маданий-психологик тайёрлиги. Айрим маҳаллий аҳолида сайёҳлар билан муомала маданиятини яхшилаш зарурати бор. Оммавий тадбир вақтида хизмат кўрсатиш муҳити (савдо, ошхона, такси, экскурсия) жаҳон стандартларига мос бўлишининг аҳамияти катта.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун бир томондан ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, мақсадли молиялаштириш, аҳоли ва бизнес субъектларида туризм маданиятини шакллантириш каби жараёнлар тезлаштирилиши лозим.

Т.И.Яҳёев	Қурилиш корхоналарида молиявий ҳолат таҳлилини амалга оширишда услубий ёндашувлар	65
F. O.O‘roqov	“Investitsiya” atamasining nazariy jihatlari mazmuni	68
II SHO‘BA. XIZMATLAR SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH, KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH, AHOLI BANDLIGI, FAROVONLIGI, YASHASH DARAJASI VA SIFATINI OSHIRISH MASALALARI		
Б.И.Исроилов, А.Қ. Турсунов, Аружан Галимжон қизи	Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари	71
A.R. Latipov Z.M. Qudratova	Aholi bandligini oshirish va kambag’allikni qisqartirish bo’yicha olib borilayotgan muhim chora tadbirlar	75
N.A. Rajabov	O‘zbekistonda kambag‘allikni qisqartirish yo‘llari, xalqaro tajriba va tahlil	79
III SHO‘BA. BARQAROR IQTISODIY O‘SISH VA HUDUDLARDA XIZMATLAR SOHASINI JADAL RIVOJLANTIRISH ORQALI XALQARO VA ICHKI TURIZMNI RIVOJLANTIRISH TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI		
М.В.Исраилова	Устойчивое развитие лечебно-оздоровительного туризма в Узбекистане: баланс экологии, экономики и социальной ответственности	83
Olim Pardayev B. Yahyoyev	The Role and Prospects of the Services Sector in the Economic Development of Uzbekistan	87
M.Z.Amirid-dinova	Hududlarda turistik xizmatlari samaradorligi va sifatini oshirish mexanizmini takomillashirish	91
X.I.Turdibekov	Turizm va mehmondo‘stlikning yaxlit iqtisodiy talqini mohiyati	94
N.X.Ibroximov	O‘zbekistonda turistik destinatsiyalar salohiyatini oshirish usullarini takomillashtirish	97
D.U.Ruzmanov	Madaniy-tarixiy turizm resurslaridan samarali foydalanish usullarini takomillashtirish	102
С.Х.Ибрагимов	Ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини оширишда оммавий тадбирлардан фойдаланиш йўналишлари	106
IV SHO‘BA. XIZMATLAR SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH ORQALI HUDUDLARDA BARQAROR IQTISODIY O‘SISH VA AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH JARAYONIDA MARKETING VA MENEJMENT IMKONIYATLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI		
Ф.Н. Абилов	“Компания – кооператив – деҳқон хўжалиги” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг замонавий усуллари	111

«XIZMATLAR SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH ORQALI HUDUDLARDA BARQAROR IQTISODIY O‘SISH VA AHOLI FAROVONLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI»

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi

MATERIALLARI

(IV QISM)

2025 йил 21-22 fevral kunlari

17.02.2025 yilda chop etildi.

Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog`i 18,5
Buyurtma № 0006A/25. Adadi 50 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining matbaa bo`limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko`chasi 60-uy